

ПУБЛИЦИСТИК МАТННИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Усмонова Умида Бахтиёровна

Жиззах ДПУ Мактабгача ва бошланғич таълимда

хорижий тил кафедраси катта ўқитувчиси

Тел: (93) 3087171

Аннотация: Ушбу мақолада публицистик матннинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган ва илмий таҳлил қилинган. Мужладан, Публицистика мавзу-материал хусусиятлари жихатидан фалсафий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, адабий-танқидий характерда бўлади. Услуб жихатидан баҳс-мунозарали, ташвиқот-тарғибот, танқидий-аналитик, сатирик кўринишларга эга. Жанр хусусият-лари жихатидан эса у воқеий-информацион (хабар репортаж, хисобот, корреспонденция), аналитик (мақола), бадиий-публицистика (очерк, фельетон, памфлет, ёзувчи мақоласи) турларга бўлиниши жихатлари кўрсатилган.

Калит сўзлар: публицистика, публицистик матн, асар, маъно, муносабат, стилистика, услуб, нутқ.

«Публицистика» аслида «халқ» сўзидан олинган бўлиб, ижтимоий, халқчил деган маънони англатади ва ижтимоий доирадаги муносабатлар учун хизмат қилади. Ижтимоий ҳаётнинг сиёсий масалаларини вақтли матбуот ҳамда нашрлар орқали оммавий ақс эттиради. Публицистик услуб элементлари ижтимоий таракқиётнинг энг қадимги даврларидаёқ пайдо бўла бошлаган эди. Масалан, қадимий ораторлик нутқлари ва бошқалар фикримиз исботи бўла олади. Жумладан, «Публицистика мавзу-материал хусусиятлари жихатидан фалсафий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, адабий-танқидий характерда бўлади. Услуб жихатидан баҳс-мунозарали, ташвиқот-тарғибот, танқидий-аналитик, сатирик кўринишларга эга. Жанр хусусият-лари жихатидан эса у воқеий-информацион (хабар репортаж, хисобот, корреспонденция), аналитик (мақола), бадиий-публицистика (очерк, фельетон, памфлет, ёзувчи мақоласи) турларга бўлинади»¹.

Ўзбек тили функционал услубнкциоанл услубларининг барчасида бўлгани каби публицистик услубда ҳам фақат унинг ўзигагина хос бўлган ва матнда алоҳида бўртиб турадиган хусусиятлар мавжуд. Хўш, бу ўзига хосликлар нималардан иборат?

Бу хусусиятлар оммавий ахборот воситаларининг(кейинги ўринларда ОАВ шаклида берилади) ижтимоий вазифасига боғлиқ тарзда намоён бўлади. Ахборот бериш баробарида ҳам тарғибот ишларини олиб бориш, ҳам тингловчи, томошабин ва ўқувчига таъсир ўтказиш уларнинг асосий вазифаси саналар экан, тил воситалари ҳам ана шунга мос равишда танланади.

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси, тўққизичи том. – Т.: ЎЗМЭ, 2001, 103–6.

ОАВларининг *информация бериш, маърифийлик, тарбиявийлик, ташилотчилик, гедонистик (кўнгилочар), сафарбарлик, декларатив-шиор, оддийлик, ҳамма учун бараварлик* каби асосий хусусиятлари танланиш ўлчовлари бўлиб ҳисобланади. Журналистнинг материални тайёрлаш ва узатиш жараёнидаги фикрни ривожлантириб бориш санъати, баёндаги динамизм, фикрий ва ҳиссий уйғунликни мувозанатда сақлаши, хужумкорлиги ва умуминсоний этик меъёрларни сақлаши каби ҳолатлар ҳам тил воситаларини танлаш жараёнини бошқариб туради.

Эркинлик, объективлик, образлилик, таъсирчанлик, равонлик, ихчамлик, ҳаққонийлик, дабдабали, баландпарвоз услубдан воз кечиш, эмоционал-экспрессивлик кабилар тилдан фойдаланишнинг ОАВларига хос бўлган жиҳатлари ҳисобланади. Буларни умумий ҳолат сифатида баҳоласак, ҳар бир жанрга хос бўлган хусусий ҳолатлар ҳам мавжуд. Масалан, конкретлик, аниқлик, оперативлик, умумлаштириш, ихчамлик кабилар Публицистик услубнинг ахборот кўринишига, шунингдек, фактнинг тўғрилиги, нейтраллик сингарилар хабар; бирон бир янгиликдан хабардор қилиш, унда фактларга таяниш, тезкорлик, таъсирчанлик, ҳаққонийлик, тантанаворлик, эмоционал-экспрессив бўёқли сўзларнинг кўплиги репортаж; долзарблик, жонли суҳбат, ҳозиржавоблик, равонлик, ихчамлик, таъсирчанлик интервью жанрларига хос бўлса, таҳлилийлик, умумлаштириш, ҳаққонийлик, хулосалаш кабилар мазкур услубнинг таҳлилий кўринишларига тегишлидир. Шунингдек, қолипчилик, андозалилик ва нейтраллик корреспонденцияларга; далил, исбот, таҳлил, умумлаштириш, объективлик кабилар мақола жанрларига хос хусусиятлар саналади.

Бу хусусиятлар ОАВларининг барчасига тегишли бўлса, газета ва журналлар имконияти уларда бериладиган бош мақола, бош муҳаррир минбари сингари рубрикалар ҳисобига яна ҳам кенгайди. Улар дастурий, сафарбарлик, йўл кўрсатувчилик, тарғибот ва ташилотчилик, умумлаштирувчилик, Публицистик ва ишчанлик характери билан Публицистиканинг махсус жанрлари сифатида намоён бўлади. Субъектив баҳонинг мафкуравийлиги, баён услубининг юқорилиги, ижтимоий-сиёсий лексиканинг фаоллиги, синтактик қурилиши нисбатан мураккаблиги билан бу мақолалар алоҳида мавқеда туради.

Публицистик услуб тадқиқотчилари унга хос бўлган ва бир-биридан ажратиб бўлмайдиган асосий принциплар сифатида *информативликни* ва таъсир характерини инобатга олиб, *экспрессивликни* қайд этишади. Ушбу принциплар услубнинг муҳим хусусиятларини – *стандартлик* ва *тасвирийлик* хусусиятларини келтириб чиқаради. Бу бир-бирига қарама-қарши тенденциядаги ҳодисалар бир-бирини тақозо ҳам қилади ва яхлитликда олиб қаралади.²

Шунингдек, стандарт ва бўёқдорлик, информативлик ва эмоционаллик оппозицияси ҳам публицистик услубнинг конструктив белгилари саналади ва улар

² Тасвирийлик ва экспрессивликни функционал услубларда, масалан, улар хос бўлмаган илмий услуб ва публицистик услубларда маънодош сўзлар сифатида қарашга тўғри келади. В.Г.Костомаров *экспрессивлик* ва *стандарт* нинг ўзаро боғлиқлигини *публицистиканинг асосий принциплари* сифатида белгилагани туфайли у тилшуносликда *Костомаров концепцияси* сифатидан эътироф этилади. [Қаранг: *Кожина М.Н.* *Стилистика русского языка*, с.186; *Барлас. Л.Г.* *Русский язык. Стилистика*, с.

турли жанрларда турлича намоён бўлади. А.Абдусаидов «Газета жанрларининг тил хусусиятлари» мавзусида ҳимоя қилган докторлик диссертациясида *стандарт-антиэкспрессивлик, экспрессивлик-антистандарт формуласи* ҳақида гапирганда ана шу белгиларни назарда тутган.³

Публицистик услубнинг ҳозиржавоблик, тарғибот-ташвиқот характери унинг барча жанрларига хос материалларнинг қисқа вақт ичида оммага етказилишини тақозо этади. Бир неча жанрларга оид ва турли функционал услубнинг функционал услубларга тегишли материаллар кўп сонли журналистлар, ўз ва жамоатчи мухбирлар томонидан тайёрланади. Бу жараёндаги вақт тифизлиги баёнда экспрессивликка интилиш журналистни аввалдан ишлатилиб келинаётган образли сўз ва ибораларга мурожаат қилишга мажбур қилади.

Хуллас, Публицистика тили хабар узатиш хусусияти, мантиқийлиги ва эмоционаллиги билан функционал услубнинг функционал услублар доирасида алоҳида тизимни ташкил этади.

Публицистик услуб ўзбек тили функционал услубнинг функционал услублари тизимида китобий услуб сифатида қаралади. Унда амал қиладиган барча меъёрлар адабий тил меъёрлари доирасида бўлиши тақозо этилади. Публицистикага оид айрим жанрларнинг сўзлашув жараёни билан боғлиқлиги унда сўзлашув услубига оид хусусиятларнинг намоён бўлишига ҳам олиб келади. Ҳар икки услуб хусусиятлари уйғунлашган ҳолда юзага чиқишидан қатъий назар публицистик услуб китобий услуб ва сўзлашув услубнинг эталони сифатида омма учун адабий нутқ намунаси вазифасини ўтайди.

Бу услубларга боғлиқ равишда публицистик матнлар *ёзма ва оғзаки шаклларда* намоён бўлади. Аммо ёзма шаклдан фойдаланиш устунлик қилади. Сиёсий шарҳловчилар, коментаторлар, эшиттиришни олиб борувчилар, дикторларнинг чиқишлари ва суҳбатларига олдиндан тайёргарлик кўрилади – қоғозга туширилади. Ҳеч қандай тайёргарликсиз амалга ошириладиган, спонтан нутқдан фойдаланиш ундан кейинги ўринда туради. Баъзи ҳолатларда бу икки шакл аралаш ҳолда келади. Сиёсий-публицистик нутқнинг бу кўринишидан кўпинча давлат раҳбарлари фойдаланадилар.

Публицистика туфайли, радио ва телевидение тилида тез-тез мурожаат қилиб турилиши натижасида нутқнинг оғзаки шакли фақат маиший фаолият доирасида қолиб кетмади, у сўзлашув ва китобий нутқ доирасида ҳам амал қила бошлади. Деярли китобий воситалар қўлланиладиган илм-фан, расмий ахборот, публицистикага ҳам кириб борди. Бу эса китобий ва сўзлашув нутқни ўзаро яқинлаштиришга, фаоллаштиришга ва жадаллаштиришга хизмат қилди. Айтилганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, Публицистика ва журналистика мутлақ бир услубга хос бўлган усуллардан фойдаланаётган эмас. Унда нутқнинг ҳозирги ўзбек тили кенг қамровли тизимидаги барча - китобийдан (илмий, расмий, публицистик, бадиий) тортиб, сўзлашув нутқгача (адабий-сўзлашув, муомала-маиший, оддий нутқ) элементлари кенг қўлланилмоқда.

³ Абдусаидов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари: Филол.фан.д-ри. ...дис.автореф, 39-бет

Публицистик услуб маълум маънода оралиқ услуб саналади. Бунинг маъноси шуки, мазкур услубда шаклланган матнлар образлиги, таъсирчанлиги, тасвирий воситаларнинг маҳсулдор қўлланилиши билан буга яқинлашса, диалектизмлар, историзмлар, арго ва жаргонлар қўлланилмаслиги билан ундан узоқлашади.

Адресат онги ва ҳиссиётига таъсир ўтказиш вазифаси публицистик услуб ва буни функционал услубнокционал жиҳатдан бирлаштиради. Таъсир ўтказувчи лингвистик воситалар бу услубларнинг ҳар иккаласида ҳам умумий бўлиши мумкин. Шу билан бирга, ушбу вазифа уларни бир-биридан ажратади ҳам. Чунки уларнинг таъсир кўрсатишдан мақсадлари турлича бўлади. Публицистик услубга хос бўлган жанговарлик, ҳозиржавоблик, ахборот узатишдаги вақтнинг тиғизлиги адресантга тезликда, тўғридан-тўғри ва очиқ таъсир ўтказиш вазифасини қўяди. Буда эса адресатнинг руҳий оламига, қалбига таъсир ўтказиш орқали унинг бадий-эстетик, маънавий-маърифий оламини бойитиш ва завқлантириш мақсад қилиб қўйилади.

Услуб моҳиятига асосланиб айтиш мумкинки, публицистик услубда экспрессивликка эришишнинг воситалари бошқа услубларга қараганда кўп. Мана шу жиҳатлари билан у буга жуда яқинлашади. Шунинг учун ҳам мазкур услубнинг лингвостилистик хусусиятлари ҳақида гапирганда асосий эътибор экспрессивликни юзага келтирувчи тасвирий воситаларга қаратилади.

Ошкора муносабат, субъектив баҳо публицистик услубнинг муҳим хусусияти саналади ва бу билан будан фарқланади. Бадий мантларда муаллиф ғояси ва фикри бошқаларнинг нутқи орқали, публицистик услубда эса бевосита муаллиф нутқи орқали ифода этилади.

Публицистик баён усули ва композицион қурилиши ҳам бу вазифаларга боғлиқ тарзда реаллашади. Масалан, Публицистик матнда баён 1- ва 3-шахс номидан берилиши меъёрий ҳолат саналади. Масалан, ***Мен 1946 йилнинг 27 декабрида, тизза қадар қалинликда қор ёққан аёзли қуни тугилган эканман; Дадам раҳматли ҳарбий хизматчи эдилар*** (Т. Малик. *Кенжа ўғил. "оила" илмий-амалий маркази саволларига жавоблар*). Бундан ташқари, муаллиф «мен»и баён 3-шахс тилидан берилганда ҳам аниқ билиниб туради. Масалан, ***Камина оиладаги бешинчи, кенжа фарзанд эди***

(Т. Малик. *Кенжа ўғил. "оила" илмий-амалий маркази саволларига жавоблар*). Буда эса ҳикоячи «мен»и билан муаллиф «мен»и ҳамма вақт ҳам тўғри келавермайди. Ҳикоячи образининг киритилишидан стилистик мақсад кўзланади. Бошқача айтганда, 3-шахс томонидан ҳикоя қилиш муаллифга маълум услубий қулайликлар туғдиради.

Ифоданинг аниқлиги ва публицистик жанрларга хосланган ҳамда ижтимоий-сиёсий терминологиянинг қўлланилиши билан илмий услубга ўхшайди. Шунингдек, ифодадаги қисқалик, лўндалик, ихчамлик, ёрқинлик каби хислатлар ҳам уни илмий услуб билан ёнма-ён қўяди. Ахборот характеридаги материалларда умумтил воситалари фаол учрайди ва баённинг нейтраллиги, тил материаллини танлашдаги муштраклик уни илмий услуб ва руларга яқинлаштиради. Аниқлик ва объективлик руҳи устунлик қилади. Жой ва киши номлари, ҳисоб-китоб ёки аниқ маълумотларни ифодалайдиган рақамлар, аббревиатуралар, мавзуга оид терминология кўп

қўлланилади. Масалан, *Бизнинг оила Тошкентга мусофир, мен тузилганимда ҳам ўзимизга тегишли уй йўқ эди. Икки акам ва икки опам, таъбир жоиз бўлса, ижара уйларда турилишган. Мен тоғамнинг уйларида яшаётганимизда тузилган эканман (Т.Малик. Кенжа ўғил).*

Муаллиф публицистик услубда маълум бир ижтимоий гуруҳ номидан, иттифок номидан, партия ёки синф номидан ёки бўлмаса социал асосланган ҳолда шахсан ўз номидан гапиради. Шунга кўра публицистик нутқ деярли ҳамма вақт шахсий эмоционал характерда бўлади. Аммо публицистик услубнинг турли жанрларида автор шахсининг иштироки турлича даражада бўлади. Шундай жанрлар борки, автор бутунлай тушиб қолади, иштирок этмайди.

Демак, нутқда услублараро яқинлик бўлиши, уларнинг бирига хос бўлган элементларнинг иккинчисига ўтиб туриш функционал қонунияти бу ерда ҳам амал қилади. Шунинг учун ҳам М.Н.Кожина бу элементларнинг газета тилида учраши услуб яхлитлигига зарар етказмаслигини ва матнда ўзига хос вазифа бажаришини таъкидлаган эди. Публицистик услубда бошқа услублар элементларининг қўлланиши мазкур услуб функционал қамровининг кенглиги билан изоҳланади.

Публицистик услуб бошқа услублар билан мустаҳкам алоқадорликда, айниқса рухий ва булар билан мустаҳкам алоқадорликда тараққий этмокда. У функционал услублар тизимида лингвистик ва экстралингвистик аломатлари билан алоҳида услуб бўлиши билан биргаликда, ҳаётийлиги, жонлилиги билан сўзлашув услубга, образлилиги билан бадиий услубга, ижтимоий-сиёсий терминологиянинг қўлланилиши билан расмий услуга яқин туради. Ижтимоий ҳаётдаги барча янгиликлар дастлаб матуботда, умуман ОАВларида дунё юзини кўриши ва шундан сўнггина оммалашини оқибатида публицистик услубнинг бошқа услублар тараққиётига таъсир ўтказиши объектив жараёндир.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Шейлз Д. Коммуникативность в обучении современным языкам. современных языков для целей общения».
2. Постовалова В.И. Картина мира в жизнедеятельности человека // Роль человеческого фактора в языке: Язык и картина мира / отв. ред Б. А.Серебренников. М.: Наука, 1988. С. 8-69.
3. Маслова В.А. Когнитивная лингвистика:учеб. Пособие /Мн.Тетра Системс, 2004. 256 с.
4. N.N. Goncharova Linguistic picture of the world as a object of linguistic description.
5. Azimjon Latifjon oqli Melikuziev. (2022). HISTORICAL AND MODERN CLASSIFICATION OF PARALINGUISTICS. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 3(10), 126–128. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/UAH577>.

6. Khakimov, M. K., & ugli Melikuziev, A. L. (2022). The History of Paralinguistic Researches. *International Journal of Culture and Modernity*, 13, 90-95.